



Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошқармасига олинadиган компьютер ва оргтехникалар жихозларини сотиб олиш буйича корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи
«Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошқармасига»

«Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошқармасига»

Манзил:

Наманган шаҳри Янги Наманган тумани саноатчи куча 20 уй

Бош директор:

А.Гафаров

1.2. «Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошқармасининг тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами бажариладиган иш учун 193 000 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошқармасига олинadиган компьютер ва оргтехникалар жихозларини сотиб олиш буйича корхонани саралаш бўйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочига бўлган талаб.

4.1. Наманган вилояти ўсимликлар карантини ва химояси бошқармасига олинадиган компьютер ва оргтехникалар жихозларини сотиб олиш бўйича корxonани саралаш бўйича

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ куйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

-

1.Ушбу танлов ҳужжатларига кафолат хати.(ф-2)

2.Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот (ф-3).

3.Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари.

4.Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот.

5.Молиявий курсаткичлари.

6.Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича иш тажрибаси туғрисида маълумот.

7.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари туғрисида маълумот

8.Коррупциявий ҳолатларни олдини олиш туғрисида ариза

9. Асбоб ускуналар туғрисида маълумот.

10. Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган

корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги тўғрисида маълумот

11. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўклиги хақида маълумот

4.4. Қўйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қўйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

